



ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАВЛАТ МОЛИЯСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Саҳибов Ойбек Куйлиевич

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Таълим стандартлари ва малака талабларини ишлаб чиқишни ташкил этиш бўлими бошлиғи. Тошкент, Ўзбекистон. oybek8501@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss3/a17

Аннотация

Ушбу мақолада профессионал таълим муассасаларини давлат молиясининг ўрни, ғазначилик тизимининг аҳамияти, профессионал таълим тизими молиявий имкониятларини ошириш йўналишлари, молиявий маблағларни ишлаб топишнинг ҳуқуқий асослари ва улардан фойдаланиш йўналишлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: Профессионал таълим тизими, давлат молиясини бошқариш, бюджет маблағлари олувчилари, таълим ташкилотлари, бюджет харажатлари, дуал таълим, бюджет ташкилотлари.

Аннотация

В данной статье освещаются роль учреждений профессионального образования в государственных финансах, значение системы казначейства, направления повышения финансовых возможностей системы профессионального образования, правовые основы освоения и направления использования финансовых ресурсов.

Ключевые слова: Система профессионального образования, управление государственными финансами, получатели бюджетных средств, образовательные организации, бюджетные расходы, двойное образование, бюджетные организации.

Abstract

This article highlights the role of vocational education institutions in public finance, the importance of the treasury system, ways to improve the financial capabilities of the vocational education system, the legal basis for the development and use of financial resources.

Keywords: The system of vocational education, public finance management, recipients of budgetary funds, educational organizations, budget expenditures, dual education, budget organizations.

Кириш (Introduction)

Мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ёшларни жаҳон андозалари даражасида замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаши, кадрлар тайёрлаш сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу жабҳадаги эзгу саъйи ҳаракатлар бугун ҳам изчил, шиддатли давр талабига ҳамоҳанг тарзда давом эттирилмоқда.

Таълим тизимини янада ислоҳ қилиш, амалга оширилаётган ислохотларни изчиллик билан давом эттириш орқали тизимнинг самарадорлигини янада ошириш бугунги кундаги долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

“Биз профессионал таълим тизимини илфур халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шунингдек, юқори малакали мутахассисларни замон талабларидан келиб чиқиб, иқтисодиётимиз эҳтиёжлари учун IT ва муҳандислик йўналишларига ихтисослаштиришни устувор вазифа сифатида белгиладик.

Масалан, Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати билан биргаликда амалга оширилаётган “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси ушбу йўналишдаги амалий ҳаракатларимиз намунасидир. Мақсадимиз – иқтисодиётимизнинг “драйвер” тармоқларини етук ва малакали мутахассислар билан тўлиқ таъминлашдан иборат.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон бугунги кунда иқтисодий ресурслар билан бирга катта инсоний салоҳиятга, замонавий билим ва чет тилларни пухта ўзлаштирган янги авлод кадрларига эга. Бу бизнинг энг катта бойлигимиз ҳисобланади [1].”

Ахборот коммуникация технологиялари жадал сифатлар билан ривожланиб, инсон ҳаёти ва меҳнат фаолиятининг барча жабҳаларига кириб бораётган бир пайтда, шунингдек республикамизда фаолият кўрсатаётган таълим тизими модернизация қилинишида таълим муассасалари инфратузилмасини ривожлантириш, таълим муассасалари молиявий салоҳиятини ошириш борасида давлат молияси муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикасида давлат молиясини бошқариш тизимида олиб борилаётган ислохотлар, қатор вазифалар билан биргаликда, давлат бюджетининг ғазна ижросига босқичма-босқич ўтишни ва унинг фаолият механизмларини такомиллаштиришни назарда тутди. Бунда замонавий ахборот технологиялари ёрдамида давлат маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш, узатиш усулларини ўзлаштириш асосида давлат молиясини бошқаришнинг самарали усул ва воситаларини шакллантириш ва мувофиқ ҳолда ишлашини таъминлаш зарур бўлади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

О.В.Фонова томонидан Ривожланган давлатларда таълимнинг молиялаштириш 3 та, яъни эркин бозорга йўналтирилган, оммавий бозорга йўналтирилган ҳамда ижтимоий молиялаштиришнинг бозорга қарши моделлари афзалликлари ва камчилликларни илмий ишида кўрсатиб ўтган [2].

Е.Ю.Турукина томонидан таълим ислоҳоти таълим муассасаларини молиялаштиришнинг янги моделларини қўллаш, муассасалар мустақиллигини таъминловчи механизмларни жорий етиш орқали амалга оширилишини таъкидлаб ўтган [3].

К.Цыганова томонидан профессионал таълим муассасаларининг молиявий манбаларини ўрганиб чиқиб, Данияда таълимнинг молиялаштириш манбаларини қайд этиб ўтган. Шу билан бирга Германияда таълим муассасасида ва корхоналарда ўқитишнинг молиялаштириш манбаларини самарадорлигини асослаб берган [4].

Т.Л.Клячко томонидан профессионал таълим тизимини таълим муассасаларининг бўйсунуши ва бюджетни молиялаштириш манбалари бўйича тақсимланиши билан тавсифланишини таъкидлаб ўтган [5].

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Профессионал таълим муассасаларининг молиявий манбаларини ўрганилиши, жумладан давлат бюджети, тегишли вазирлик ва идоралар маблағларидан молиялаштирилиши ҳамда таълим муассасалар томонидан ишлаб топилган молиявий ресурсларни йўналишларини таҳлил қилиниши, таълим ташкилотлари молиялаштиришда давлат молиясини ролини аниқлаш имконини беради.

Коллеж ва техникумларда иқтисодиёт тамоқлари ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида ўрта бўғин кадрларини тайёрланида давлат бюджетидан молиявий маблағ ажратилиши, таълим муассасаларини молиялаштиришда давлат бюджетидан қўллаб-қувватлашнинг аниқ механизмлари яратилади, бу эса ўз навбатидан педагогик кадрларни салоҳиятини ҳамда таълим сифатини оширишга хизмат қилади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Мамлакатимизда давлат бюджетининг ғазна ижросини самарали тадбиқ этишга фақатгина барқарор ривожланиш кўрсаткичларига эришганимиздан кейингина муваффақ бўлинди. Ўзбекистон ҳукумати давлат молиясини бошқариш тизимида ҳам кенгқамровли ислохотларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Бу ислохотларнинг ижобий натижаларини давлат бюджети ғазна ижросининг муваффақиятли жорий этилишида кўришимиз мумкин.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг барча даромадларини, шунингдек, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлар бўйича тушумларини ягона ғазна ҳисобрақамга жамлаш ва уларнинг барча харажатларини шу ҳисобрақамдан амалга оширишни назарда тутди. Бу эса давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, давлат қарзлари ва уларга хизмат кўрсатиш жараёнларининг тезкор назоратини ва мониторингини олиб бориш, давлат маблағларининг самарали ишлатилишини таъминлаш, давлат молиявий ресурсларининг ҳаракати тўғрисида оператив тарзда маълумотларни жамлаш имконини беради.

Мамлакатимиз иқтисодиётида содир бўлаётган таркибий ўзгаришлар, бутун молия тизимида, унинг марказий бўғини бўлган давлат молиясида амалга оширилаётган ислохотлар давлат молиясини бошқариш масалаларида муайян билим ва кўникмаларга эга бўлиш зарурлигини талаб қилмоқда. Бундай шароитда нафақат давлат молияси ҳақидаги маълум назарий билимларга эга бўлган, балки давлат бюджети ғазна ижроси жараёнларида вужудга келадиган ҳолатларни тушуна оладиган, бюджет ижроси иштирокчилари бўлган молия органлари, ғазначилик бўлинмалари, бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчилар амалий фаолиятини самарали ташкил қила оладиган, давлат маблағларини самарали бошқаришга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қила оладиган замонавий мутахассислар тайёрлаш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтишгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва унинг топшириғига мувофиқ тижорат банклари давлат бюджетининг кассавий ижросини амалга ошириб келдилар. Бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари уларнинг ҳисобварақларидаги бюджет маблағлари қолдиқлари доирасида тўлов топшириқномалари бўйича амалга ошириб келинди.

Бу амалиёт бир неча ўн йиллар мобайнида бюджет ижросида маълум даражадаги самара билан қўлланиб келинди. Лекин кейинги йилларда давлат бюджетининг кассавий ижроси давлат маблағларини бошқариш, бюджет ижросини ташкил қилиш ва назоратини олиб бориш, маблағларнинг самарали ишлатилишини таъминлаш масалаларида бир қатор муаммоларни келтириб чиқарди: [6]

– бюджет даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги ахборотларнинг етарли даражада оператив (тезкор) эмаслиги;

– даромадларнинг банк ҳисобрақамларига тушиши ва бюджетнинг ҳисобрақамларида акс эттирилишидаги узилишларнинг мавжудлиги боис бюджет ресурсларини бошқаришдаги тезкорликнинг сустлиги;

– солиқ даромадларининг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиш жараёнларини самарали тартибга солиш ва даромадлар тушумини жадаллаштиришнинг зарурлиги;

– бюджет ажратмаларининг ҳажмлари билан ҳақиқатда амалга оширилган тўловлар суммалари кўрсаткичларининг тарқоқлиги туфайли маблағларнинг тушуми ва сарфланиши устидан ягона назоратнинг мураккаблашуви;

– бюджет ташкилотларининг ҳисобрақамларида ишлатилмаётган бюджет маблағларининг туриб қолиши;

– бюджет маблағларининг ажратилиши билан уларнинг сўнги истеъмолчиларга етиб боришигача бўлган вақтнинг узоқлиги;

– давлат маблағлари ҳаракатининг мураккаблашуви ва ҳажмларининг ортиб бориши билан улардан оқилона фойдаланиш устидан дастлабки назоратнинг ва жорий мониторингнинг зарурлиги ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган муаммолар кеча ёки бугун юзага чиқмади, улар йиллар давомида йиғилиб, тезкор суръатлар билан ривожланиб бораётган жамият тараққиётига ҳалақит бера бошлади. Бюджет ижроси устидан назоратнинг сустлиги, маблағларни оператив бошқариш имкониятининг камайиб бораётганлиги, бюджет ижроси тўғрисидаги тезкор ва аниқ маълумотларни олиш, жамлаш, қайта ишлаш ва тегишли бошқарув қарорларини қабул қилишдаги қийинчиликлар давлат молиясини бошқариш тизимида ислохотлар қилишни, бюджет маблағларини бошқаришнинг самарали усул ва воситаларини излаб топиб, тадбиқ этишни талаб этди ва давлат бюджетининг кассавий ижросидан ғазна ижросига ўтишнинг зарурлигини белгилаб берди.

Давлат бюджети ижросини ғазначилик механизмларига ўтказишнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

– қисқа фўрсатларда давлат молиявий ресурсларининг реал ҳажмини ва унинг истиқбол кўрсаткичларини аниқлаш;

– давлат молиясининг ҳолати тўғрисидаги тезкор ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

– давлат бюджетининг ҳам даромадлари, ҳам харажатлари қисми кассали ижросининг ҳар кунги деталлаштирилган мониторингини ўтказиш;

– тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида бюджет ташкилотларининг товарлар ва хизматлар етказиб берувчилар олдида мажбуриятлар қабул қилиш босқичида (шартномалар, контрактлар тузиш) дастлабки назорат қилиш;

– молия органлари томонидан бюджет харажатларини ўз вақтида ва манзилли молиялаштириш билан бюджет маблағларини бош тақсимловчилар томонидан суистеъмол қилиш ва нотўғри ишлатишнинг олдини олиш мақсадида жорий назорат қилиш;

– бюджет ташкилотлари мажбуриятларини олгандан кейин пул маблағларини ғазначилик ҳисобрақамидан тўғридан-тўғри таъминотчиларнинг ҳисобрақамига ўтказиш натижасида пул оқимлари ҳаракати бўйича жараёнларни қисқартириш;

– ғазначиликнинг бир поғонасидан иккинчи поғонасига пул маблағларини ўтказишни соддалаштириш натижасида бюджет маблағларини тезкор ишлатиш.

Давлат молиясини бошқариш тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, солиқ-бюджет тизимининг шаффофлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, давлат бюджетини ўрта муддатли давр учун режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий этиш мақсадида 2020–2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегияси белгиланди [7].

Стратегияга мувофиқ, давлат молиясини бошқариш тизимида давлатнинг ўрта ва узоқ муддатли мақсадларига эришиш борасида стратегик ўрта муддатли истиқболларини белгилаш, маҳаллий бюджетларни мустақил равишда белгилаш имконини берадиган бюджетлараро трансфертларни ҳисоблашнинг шаффоф услубиятини ишлаб чиқиш, бюджет ташкилотлари ва муассасалари ҳамда давлат улуши мавжуд бўлган корхоналарнинг ҳисобини алоҳида юритиш каби вазифалар белгилаб олинган.

Бюджет ташкилотларидан бири сифатида таълим тизимини қўллаб-қувватлаш, тизимнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида таълим ташкилотларига қўшимча имкониятлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ таълимни молиялаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш белгиланган [8].

Давлат таълим муассасаларини молиялаштириш республика ва маҳаллий бюджетлардан, кадрлар буюртмачиларининг маблағлари ҳисобидан, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

Таълим ташкилотлари уставида белгиланган вазифаларга мувофиқ пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш, шунингдек тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Таълим муассасалари пулли таълим хизматларини кўрсатиши унинг асосий фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги керак.

Қўшимча даромад ишлаб топиш мақсадида таълим муассасалари пулли таълим хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳисобидан олинган пул маблағларини мустақил равишда, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтиради.

Таълим муассасаларини молиялаштиришнинг қўшимча манбалари қуйидагилардан иборат:

шартномалар асосида, шу жумладан чет эллик жисмоний ёки юридик шахслар билан тузилган шартномалар асосида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳисобидан тушган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг буюртмалари асосида илмий-тадқиқот, ўқув-услубий ва қонунда тақиқланмаган бошқа ишларни бажариш ҳисобидан тушган маблағлар;

таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқилган маҳсулотни, бажарилган ишларни ва кўрсатилган хизматларни реализация қилишдан олинган даромадлар;

бинолар, иншоотлар ва асбоб-ускуналарни ижарага бериш ҳисобидан тушган маблағлар каби қўшимча даромад манбаларига эга бўлади.

Таълим тизимини ривожлантириш борасидаги саъйи ҳаракатлар натижасида олий ва ўрта махсус таълим соҳасига ҳам ажратиладиган маблағлар салмоғи ошди. Ажратилган маблағларни мақсадли сарфланиши натижасида 2020 йилнинг 9 ойи давомида 625,6 млрд. сўмлик давлат харидлари амалга оширилган бўлса, бу

кўрсаткич 2021 йилнинг мос даврида 1 188,4 млрд. сўмни ташкил этди. Яъни 2020 йилнинг мос даврига нисбатан 90 фоизга кўпдир [9].

Таълим тизимининг бир бўғини сифатида касб-ҳунар таълимини тубдан ислоҳ қилиш натижасида бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим тизими ташкил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармонида мувофиқ касб-ҳунар мактабларининг барча харажатлари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши, коллеж ва техникумларнинг харажатлари тегишли вазирлик, идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, ўқувчиларни давлат буюртмаси ва тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилиши белгиланди [10].

Касб-ҳунар мактаби, коллеж ва техникумларни молиявий маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда даромадлар ва харажатлар ўртасидаги муносибликни таъминлаш, шу билан бирга қўшимча даромадларни шакллантириш, келажакда молиявий имкониятларини тўғри белгилаш орқали таълим сифатини янада ошириш имконияти вужудга келмоқда.

Ҳозирги кунда, мамлакатимизда фаолият юритаётган 386 та коллеж ва техникумларда 174 минг нафардан ортиқ ўқувчилар тўлов-контракт асосида кундузги таълим олмоқда [11]. Бу эса ўқувчиларни бевосита ишдан ажралган ҳолда таълим олишларини талаб этмоқда.


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 29 мартдаги 163-сон қарорига мувофиқ коллеж ва техникумларда сиртқи, кечки ва дуал таълимни жорий этилиши касб ва мутахассисликлар эгаллаш истагини билдирувчиларга кенг имкониятлар ва қулайликлар яратади [12]. Шу билан бирга, меҳнат бозори учун зарур кадрлар етказиб бериш ҳамда таълим муассасаларининг молиявий салоҳиятини янада ошириш имконини яратади.

Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан коронавирус пандемияси сабабли республика аҳолисининг тўлов қобилияти пасайганлигини инобатга олиб 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб коллеж ва техникумларда кундузги, кечки, сиртқи ва дуал таълим шакли бўйича тайёрлов йўналишлари кесимида тўлов-контракт асосида бир ўқувчини ўқитиш қиймати миқдорлари қайта белгиланди.

Соғлиқни сақлаш, Педагогика, Бизнес ва бошқарув, Санъат, Ижтимоий таъминот каби соҳаларда ўрта бўғин кадрлари тайёрлайдиган коллеж ва техникумларда 1 нафар ўқувчининг бир йилги ўқитиш харажатлари 4 685 400 сўмни (меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5.7 баробари) ташкил қилади [13].

Мазкур йўналишларда ҳозирги кундаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 822 000 сўмликдан келиб чиқиб, 1 нафар ўқувчининг бир йилги ўқитиш харажатлари 4 685 400 сўмни ташкил қилади.

2021/2022 ўқув йилида 62 та педагогика йўналишидаги коллежларда 2 148 нафар ўқувчилар қабул қилинган. Педагогика йўналишидаги коллежларда дуал таълимда ўқийдиган ўқувчилардан 10,1 млрд сўм тўлов-контракт маблағ шакллантирилган [14].



1-расм. 2021/2022 ўқув йилида коллежларда дуал таълим асосида ўқийдиган ўқувчилар сони

Шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, дуал таълим асосида таълим оладиган ўқувчилар таълим муассасаси ва иш берувчи ўртаси келишуви асосда тасдиқланган ўқув режага мувофиқ, фанларнинг фақат назарий қисмини таълим муассасасида, амалий қисми эса иш берувчи корхона (ташкilot)да ўтайди.

Дуал таълим асосида 1 нафар ўқувчининг бир йилги ўқитиш харажатлари кундузги, кечки ва сиртқи таълим шакллари билан бир хил ҳисобланади. Дуал таълим асосида ўқитишдан тушадиган тўлов-контрактдан тушадиган харажатларни маълум бир қисми профессионал таълим муассасасини моддий-техник базасини ривожлантириш, ходимларни моддий рағбатлантиришга йўналтириш имкониятига эга бўлади.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Таълим ташкилотларида таълим сифатини оширилиши, малакали педагогик кадрлар билан таъминланиши, сифатли кадрларни тайёрланиши, битирувчиларини ўз мутахассислиги бўйича ишлаши, таълим муассасасига талаб ортишига, натижада таълим ташкилотларининг молиявий ресурсларини оширишига хизмат қилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, давлат бюджетида ғазна ижросини жорий этилиши, таълим ташкилотларини ягона ҳисобрақамда кўриниши, таълим ташкилотининг даромад ва харажатлари юзасидан таҳлилий натижаларига эга бўлиш имкониятини яратилиши, натижада молиявий имкониятларни ошириш ва тизимни самарали фаолият юритиш, ўз навбатида ижтимоий соҳани ривожлантиришдаги улушини ошишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумининг очилиш маросимидаги нутқи (<https://president.uz/uz/lists/view/5077>)

2. О.Фонова “Развитие механизма финансирования профессионального образования” автореферат 2011г.

3. Е.Ю.Турукина Источники финансирования государственных услуг в сфере общего образования, автореферат 2013г.

4. К.Цыганова Финансирование профессионального образования и обучения в Великобритании

5. Т.Л.Клячко Анализ финансовых потоков в системе профессионального образования

6. Д.Пўлатов, Б.Нурмухаммедова “Ғазначилик” дарслик Т. 2014 йил.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020-2024 йилларда Ўзбекистон Республикаси давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 24 августдаги 506-сон қарори (<https://lex.uz>)

8. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун (ЎРҚ-637, 23.09.2020).

9. https://www.mf.uz/uz/?option=com_k2&view=itemlist&layout=category&task=category&id=15

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармон.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида” 2021 йил 29 мартдаги 163-сон қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси мажлиси баёни асосида тайёрланди.

14. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида тайёрланди.

Қўшимча фойдаланилган манбалар:

15. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси (<https://lex.uz>)

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори.

18. <https://stat.uz>

19. <https://www.mf.uz>

20. <https://lex.uz>